



НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР

“ II ” август

№ 188-Қ

Ташкилот, муассаса ва корхона-ларга иншоотлар қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5, 23 моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ва фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисидаги туманлар ҳокимларининг қабул қилган қарорларини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланиш учун ер майдонини ажратиш тўғрисида Оқдарё тумани ҳокимининг “Ўсимликларни биологик усулда химоя қилиш учун “Биометод” жамоа корхонасига 6,0 гектар ер майдони ажратиш ҳақида” ги 1998 йил 10 июндаги 144-қ, Ургут тумани ҳокимининг “Ургут Яшил олтин” маъсулияти чекланган жамиятига тикувчилик цехи, пластмасса идишлар ва минерал сув ишлаб чиқариш заводи қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида” ги 1999 йил 24 августдаги 569-қ Самарқанд тумани ҳокимининг “Раббим бобо” кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида” ги 1999 йил 2 октябрдаги 571-қ, Нарпай тумани ҳокимининг “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги худудидан “Эгамберди” хусусий корхонасига автомобилларга ёқилғи қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,15 гектар ер майдони ажратиш ҳақида” ги 2000 йил 20 июндаги 402-қ, “ГАЗ-Ф.М.Ж.” маъсулияти чекланган жамиятига автомобилларга газ ёқилғиси қуйиш шахобчаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида” ги 2000 йил 25 апрелдаги 278-қ, “Мафтуна-М” шахсий корхонасига автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда ёқилғи қуйиш шахобчаси қуриш учун 0,13 гектар ер ажратиш ҳақида” ги 1999 йил 28 июндаги 362-қ; рақамли қабул қилган қарорлари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Рузиев